



**Тадбир**

## ВАЗИРЛИКДА САФ КЎРИГИ

**Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик тантанасини муносиб нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилмакда. Байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига бир қанча вазифалар юклатилган. Мазкур жараёнларда осойишталик посбонлари аҳолига ҳар томонлама намуна бўлишлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.**



ги бўлиб ўтди. Унда вазирликнинг бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари раҳбарияти ва шахсий таркиби иштирок этди. Саф кўригида ходимларнинг хизмат кийимини ўрнатилган тартиб бўйича кийишга амал қилишлари ва ташқи кўринишларига эътибор қаратилиб, назоратдан ўтказилди.

Шундан сўнг республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Мирзаев барчани яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик шодиёнаси билан муборакбод этди. «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватан — Ўзбекистоним!»

деган эзгу гоёнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам ўрни беқиёс эканини таъкидлади. Шунингдек, байрамни муносиб нишонлаш, тадбирлар жараёнида аҳоли осойишталигини таъминлаш борасида соҳавий хизмат раҳбарларига тегишли тавсиялар берилди.

Тадбир сўнгида ходимлар оркестр садолари остида тантанали юриш билан саф майдонидан ўтишди. Республикамининг барча ички ишлар идораларида байрамолди саф кўриги бўлиб ўтмоқда.

**Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ, сержант. Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

Шу каби масалаларга эътибор қаратиш мақсадида республика ИИБ Марказий аппарати шахсий таркиби ўртасида саф кўри-

## ДИЛЛАРГА ЗАВҚ УЛАШИБ

**Яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ишлари юртимизнинг барча гўшасида қизгин паллага кирди. Жойларда «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» деган эзгу гоёни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирлар, баддий кечалар, учрашувлар ўтказилмоқда. Тошкент шаҳар Сергели тумани ИИБда ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди.**



Унда туман ҳокимияти вакиллари, ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби, юртимизнинг таниқли шоирлари ва санъаткорлари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, айниқса, ёшлар томонидан қўлга киритилаёт-



ган улкан ютуқлар ҳақида тўлқинланиб сўзлашди. Шунингдек, бугунги фаровон кунларга осонлик билан эришилмагани, бунинг учун қанчадан-қанча машаққатли йўллар босиб ўтилгани, ажодларимизнинг бу йўлда кўрсатган фидойиликлари ҳақида айтиб ўтди.

Она юртни, истиқлолни мадҳ этувчи куй-кўшиқлар ва шеърлар барчага манзур бўлиб, тадбирга ўзгача файз бағишлади.

**Ўз мухбиримиз. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

Республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ҳам «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» деган эзгу гоёни ўзида мужассам этган концерт дастури намойиш этилди. Яхши куй ва кўшиқ инсоннинг маданий ҳордиқ чиқаришида муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, киши руҳиятига ҳам тетиклик бағишлайди. Айниқса, Ватанни улуғловчи, унинг буюк ва бетакрорлиги-

ни тараннум этувчи кўшиқлар инсонда ватанпарварлик туйғуларини кучайтириб, кўтаринки кайфият бахш этади.

Тадбирда элимиз ардоғидаги хонандалар томонидан ижро этилган Ватанни улуғловчи кўшиқлар барчага манзур бўлди.

**Ғ. ИКМАТУЛЛАЕВ, капитан.**

**«Орият»**

## КЕСКИН ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

**Сирдарё вилоятида «Орият» махсус профилактик тадбири ўтказилди. Тадбир давомида вилоятдаги хиёбонлар, кафебарлар ва бошқа барча кўнгилочар масканлар ўрганилди.**

Шу пайтга қадар одоб-ахлоқ доирасидаги 23 та маъмурий ҳуқуқбузарлик, шунингдек, бешта жиноят «иссиқ изида» қош этилиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Масалан, Гулистон давлат университетида олиб борилган ўрганишлар жараёнида айрим ўқитувчилар томонидан одоб-

ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилгани, аниқроғи, уларнинг компьютерларида беҳаёлик ва ваҳшийликни тарғиб қилувчи, намойиш этилиши таққиланган видеоматериаллар борлиги аниқланди. Мазкур ҳолатлар юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб бориляпти.

Айрим фуқароларнинг миллий кадрларимизга ёт, жамиятнинг ахлоқий меъёрларига зид бўлган, энг ёмони, ёшлар тарбияси ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи ҳуқуқбузарликларга қўл ураётгани ачинарлидир. Масалан, «Орият»

махсус профилактик тадбири давомида Гулистон шаҳрида яшовчи фуқаро А. З., Мирзаобод туманилик Д. Ф. ва Сирдарё шаҳрилик М. Э. фоҳишахона сақлаш жиноятини содир этгани аниқланди. Улар эндиликда маънавий муҳитга путур етказадиган хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб берадилар.

Янгиер шаҳридаги истироҳат боғида жойлашган чойхонани ижарага олиб ишлатаётган Д. М. шу ерда қиморхона ташкил этган экан. Унинг бу қилмиши қиморбозлик ва таваккалчиликка йўналтирилган, муайян

ҳақ эвазига ўйналадиган ўйинларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган тадбирда шошқилинди. Текширув ўтказилган вақтда қимор ўйнаётган фуқаролар аниқланиб, улардан ҳолислар иштирокида 536 минг сўм пул маблағи ашёвий далил сифатида олиб кўйилди.

Тадбир давомида одоб-ахлоқ доирасида ҳуқуқбузарлик содир этгани учун профилактик ҳисобга олинган шахслар билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказилди. Ташкилот ва муассасаларга одоб-ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тақдимномалар киритилди.

**Алишер МИРЗАҚУЛОВ, капитан.**

**ДУНЁДАН**



**ДАРАКЛАР**

### СЎНГИ ОЛТИ ЙИЛДАГИ ЭНГ ПАСТ КЎРСАТКИЧ

Жума кунги савдолар якунига кўра, нефть нархи пасайишда давом этмоқда. Хусусан, Brent туридаги «қора олтин» бир баррелининг нархи 0,61 долларга пасайиб, 46,01 долларни ташкил этган. Бу ҳақда «Bloomberg» агентлиги хабар бермоқда.

Худди шунингдек, Нью-Йорк товар биржаси электрон савдолари давомида WTI туридаги нефтининг бир баррели нархи 40,80 долларга баҳоланган. Бу унинг 1,2 фоизга, яъни 0,52 долларга арзонлашганини билдиради. Бундай кўрсаткич 1986 йилдан буён қайд этилмаган эди.

Айтиш мумкинки, бу турдаги нефть икки ойдан бери пасайишда давом этмоқда.

Халқаро бозордаги бундай ўзгаришлар дунё миқёсида нефть қазиб чиқариш миқдорининг кескин ошгани билан изоҳланмоқда.

### ИККИ САМОЛЁТ ТЎҚНАШУВИ

Словакия осмонида «L-410» русумли иккита йўловчи самолёти тўқнашиб кетди. «Associated Press» агентлигининг хабар беришича, бунинг оқибатида етти киши дунёдан кўз юмди.

Авиаҳалокат мамлакатнинг ғарбий ҳудудида 1,5 минг метр баландликда содир бўлган. Бунгача самолётларда қирққа яқин киши бўлган. Уларнинг аксариятини парашютчилар ташкил қилган. Хайриятки, парашютчилар тўқнашув рўй беришидан бироз олдин сақрашга улгуришган.

Айни вақтда қидирув-қутқарув ишлари олиб бориляпти. Қутқарувчилар вакили Андрей Хирякнинг оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида таъкидлашча, бу жараёнда учта вертолётдан фойдаланилмоқда.

### ЎРМОН ЁНГИНЛАРИ АВЖ ОЛМОҚДА

АҚШнинг Вашингтон ва Калифорния штатларида табиий офат — ўрмон ёнгинлари авжга чиқди. Айниқса, Вашингтон штатида аҳвол анча жиддий: ҳудуддаги Твисла, Уинтроп, Конконалли шаҳарчаларидан барча аҳоли кўчирилган.

Ўт ўчирувчилар ёнгинни бартараф этишнинг иложи бўлмагани сабабли ёрдам сўраб армияга мурожаат қилган. Америкалик ҳарбийлар кейинги ўн йил мобайнида биринчи марта ёнгин ўчиришга жалб этиляпти.

Энг ёмони, офат билан курашда уч нафар ёнгин ўчирувчи ҳалок бўлган, яна тўрт кишининг ҳаёти учун шифокорлар кураш олиб бормоқда.

Калифорния жанубида ҳам ўрмонлар ўт ичида қолган. Юқори ҳарорат ва кучли шамол вазиятни янада чигаллаштирмоқда.

### ҚИММАТЛИ ХАЗИНА

Америкалик ғаввослар Флорида соҳили яқинида 350 та тилла тангани ўз ичига олган қимматли хазинани топишга муваффақ бўлишди. Қиммати 4,5 миллион долларга баҳоланаётган мазкур топилма бундан 300 йил муқаддам ҳалокатга учраган испан кемасидан топилган.

Хориж оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, тилла тангаларни океан тубидан олиб чиқиш учун ғаввосларга икки кун керак бўлган. Дастлабки куни 230 та танга, кейинги кун эса қолганлари олиб чиқилган. Тангаларнинг тўққизтаси ниҳоятда камёб ва қимматбаҳо ҳисобланади.

«Royal» деб аталган ушбу тангалар Испания монархи Филипп V учун махсус зарб қилинган.

Хазинанинг йигирма фоизи давлат ҳисобига ўтказилади.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**















## Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мүлкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

(Давоми.  
Бошланиши 1,4-9-бетларда).

2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) **30-моддасининг иккинчи қисмидаги** «молия-ҳўжалик» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги 604-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 88-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) **9-моддасининг олтинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Дехқон хўжалигининг ер участкасини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйишга қонунда назарда тутилган ҳолларда, фақат бошқа тенг қимматли ер участкаси берилиб, дов-дарахтларнинг, бузилаётган бинолар ва иншоотларнинг бозор қиймати қоплангандан кейин ёхуд улар бошқа жойга кўчирилгандан ёки ўзга бинолар ва иншоотлар қурилгандан кейин ҳамда бошқа барча зарарларнинг (бой берилган фойдани қўшган ҳолда) ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тўла ҳажмда қоплангандан кейин йўл қўйилади».

**19-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги 670-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **18-модданиннг иккинчи қисми** «муҳр билан» деган сўзлардан кейин «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **21-модданиннг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тарафлар хўжалик шартномаларини тузиш учун хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасини олишга ҳақли».

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **27-модданиннг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мүлкда бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда,

мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига қўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мүлк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг бозор қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, бу фарқ мүлқдорга компенсация қилиниши лозим, берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда эса, бу фарқ уй-жой берилган ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилган пайтдан эътиборан беш йил ичида мүлқдор томонидан компенсация қилиниши лозим»;

2) **28-модда:**  
**номининг русча матнидаги «при сносе домов»** деган сўзлар «**при сносе жилых домов»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мүлкда бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг танлови бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси берилади. Бунда ер участкасини ўзлаштириш даврига уч йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилиб, бузилаётган уйларнинг (квартираларнинг), иморатларнинг, иншоотларнинг ва кўчириб ташланган дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бозор қийматлари ўртасидаги фарқлар тўлиқ ҳажмда қопланади»;

3) **31-модданиннг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун уларнинг танлови бўйича янги жойда тенг қимматли уйлар, иморатлар барпо этилади ҳамда уларга мүлк қилиб берилади. Бунда кўчириб ташланаётган дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек, олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда берилаётган ва олиб қўйилаётган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бозор қийматлари ўртасидаги фарқ пул билан тўлиқ ҳажмда қопланади».

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги 811-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 208-

модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2009 йил, № 4, 135-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда) **17-моддасининг еттинчи қисми** «мазкур ташкилотнинг муҳри билан» деган сўзлардан кейин «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»**ги 813-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **9-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «ўн кун муддат» деган сўзлар «уч кун муддат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**23-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги 69-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ-328-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модда:**  
**тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар ушбу модданиннг биринчи қисмида кўрсатилган тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органларга ва ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органлари ва давлат статистика органларига, банкларга ва бошқаларга) ёзма равишдаги мурожаатларсиз қўлланилади»;

куйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрида эълон қилинади ҳамда доимий равишда янгилаб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрини шакллантириш ҳамда доимий равишда янгилаб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

**бешинчи қисми еттинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) **6-модда:**  
**иккинчи қисмидаги** «ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли»;

**учинчи — олтинчи қисмлари** тегишича **тўртинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **24-модданиннг тўртинчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларида» деган сўзлар «қонунда» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **25-модданиннг тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Дехқон хўжалигининг ер участкасини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйишга фақат бошқа тенг қимматли ер участкаси берилиб, дов-дарахтларнинг, бузилаётган бинолар ва иншоотларнинг бозор қиймати қоплангандан кейин ёхуд улар бошқа жойга кўчирилгандан ёки ўзга бинолар ва иншоотлар қурилгандан кейин ҳамда бошқа барча зарарларнинг (бой берилган фойдани қўшган ҳолда) ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда тўла ҳажмда қоплангандан кейин йўл қўйилади»;

5) куйидаги мазмундаги **30'-модда** билан тўлдирилсин:

**«30'-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашнинг кафолатлари**

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш тартибини ўз ваколатлари доирасида тушунтириши, шунингдек, уларнинг қўлланилишини таъминлаши шарт»;

6) **39-модданиннг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар эса кўпи билан уч йилда бир марта, фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан ўтказилиши мумкин.

Хусусий банк ва бошқа хусусий молия институтларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан беш йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатинанг ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмайди, ушбу модданиннг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг бюджет маблағларидан ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмайди.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ







## Маърифат ва сиёсий ўқиш

Мустақиллик – энг аввало, бизга ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, яъни мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқини берди. Зеро, бугун эришадиган ютуқларимиз истиклол билан боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, «Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш – бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуг тарих, маданият ва маънавиятга эга эканлигимизни, ўзлимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

**Мустақиллик – бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодийимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-этиборини муносиб даражага кўтаришдир». Ёки давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, мустақиллик – ҳуқуқ демакдир.**

Мана, мустақилликка эришганимизга 24 йил бўлаяпти. Тарих учун жуда қисқа бўлган ушбу муддат давомида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, биз бошданқў Юртбошимиз раҳбарлигида ислохотларнинг маълум ёки машҳур моделларидан нусха олишдан воз кечдик. Ўз истиклол йўлимизни танладик, ислохотлар жараёнига асос бўлиши лозим бўлган тамоийилларни аниқлаган ҳолда пишиқ ва пухта режаларни белгилаб олдик. Энг асосийси, ўзгартириш ва ислохотларнинг асосий мақсади халқимиз учун яхши турмуш шароити яратиш, ҳар бир кишининг салоҳияти ва имкониятини тўла юзага чиқаришдан иборат бўлди.

Мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куриш билан боғлиқ ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки ҳуқуқий ва конституциявий асослари бундан 25 йил муқаддам, яъни 1990 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган XII чақирик республика Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик Декларацияси» замирида шаклланигани эътироф этиш лозим. Мамлакатда илк бор давлат мустақиллигини ва суверенитетини таъминлашда ушбу ҳужжатнинг аҳамияти беқиёс бўлди.

1991 йил 31 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонун, шу йили 5 сентябрда имзоланган Тошкент шаҳридаги марказий майдонни Мустақиллик май-

# МУСТАҚИЛЛИК – ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

**Изоҳли луғатларда инсоннинг эркин ва озод равишда, ўз ихтиёри билан бошқаларга бўйсунмасдан иш юрита олиши, миллат, давлат ва жамият ҳаёти, уларнинг тараққиётини, устувор мақсад ва вазифаларини бировга тобе бўлмаган ҳолда амалга оширилишини англатадиган тушунча «мустақил» ёки «мустақиллик» сўзлари билан ифодаланиши қайд этилган.**

**Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги 2015 йил 17 июлдаги Қарорида мустақиллик биз учун давлатчилигимизни, ўзлимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуглаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берилгани қайд этиб ўтилди.**

дони деб номлаш борасидаги, 6 сентябрь куни имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида»ги Президент фармонлари ёки ҳали расман собиқ иттифоқ фаолият кўрсатиб турган бир пайтда, яъни 1991 йилнинг 18 ноябрида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиниши мустақилликнинг нафақат сиёсий-

тида бажариши юксак мақсадларга эришишнинг муҳим шартидир.

Инсон ҳуқуқларининг устувор таъминланиши тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг асосий принципларидан биридир. Асосий қонунимизнинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъ-

сўраса, жабрланувчи унинг қилмишини кечириб, ярашиш истагини билдирса, албатта ҳар икки томон ютади. Ярашув институтининг яна бир аҳамияти шундаки, жиноят иши соддалаштирилган тартибда, тезкорлик билан, қисқа муддатда дастлабки терговдан ўтказилади, сўнг судда мазмунан кўрилиб, қонуний ҳал қилинади. Энг асосийси, инсон номига судланганлик тамғаси босилмайди.



иқтисодий ҳуқуқий асосларини таъминлашга, балки уни янада мустақамлашга хизмат қилганини ўтган даврнинг ўзи исботлади.

1992 йилга келиб мустақил Ўзбекистоннинг янги Конституциясининг қабул қилиниши мустақилликнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлашга қаратилган тизимли ҳамда босқичма-босқич амалга оширилган ишларнинг мантиқий якуни бўлди, десак асло муболаға бўлмайди.

Мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш, либераллаштириш, модернизациялаш бўйича кенг қамровли ва изчил ислохотлар амалга оширилди. Ушбу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Зеро, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасининг юксаклиги жамиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир. Шахснинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, инсон ҳуқуқларини амалга ошириш, яъни унга риоя этиш, ҳуқуқлардан фойдаланиши ва мажбуриятларини ўз вақ-

ни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Конституцияимизнинг 2-моддасига мувофиқ, «Давлат халқ ирода-сини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар». Умуман олганда, «инсон ҳуқуқи», «инсон ҳуқуқи маданияти», чин маънодаги «ҳуқуқий маданият» каби тушунчалар фақат мустақиллик шарофати билан ҳаётимизга кириб кела бошлади.

Республикамизда мустақилликдан сўнг суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли либераллаштириш сиёсати амалга оширилиб, бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Юртбошимиз ташаббуслари билан ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида 2001 йилдан бошлаб ярашув институти жорий этилди. Зеро, халқимизга хос ажойиб хусусиятлардан бири ҳаётнинг барча мушкулотларини кечиримлилик ва ярашув йўли билан ҳал қилишдир. Агар шахс биринчи марта жиноят содир этган бўлса ва айбига иқдор бўлиб, зарарни тўлиқ қопласа, чин дилдан пушаймон бўлиб кечирим

лан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилди. Дастлабки тергов ва қамоқда сақлаш муддатларининг қисқартирилиши, судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, жумладан қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судга ўтказиш каби ислохотлар шахснинг суриштирув ва дастлабки терговдаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтирди. Бундан ташқари, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан бу тарздаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала юзасидан адвокатнинг жиноят-процессуал қонунчиликда томонларнинг ўзаро тортишуви ва тенглиги принципига асосланган ҳолда дастлабки тергов жараёнида иштирок этишини таъминлади.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига тўлиқ мос келади. 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9-моддасида жиноий айблов билан қамоққа олинган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод этилиши ҳуқуқига эга деб белгиланган.

Умуман олганда, Президентимиз таъкидлаганидек, «суд – одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён»дир. Ушбу жараёнда санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилиши одил судловни амалга ошириш, адолатлилик, инсонпарварлик принципларини амалда қўллаш учун яна бир ҳуқуқий кафолат бўлди.

2014 йилнинг 5 сентябридан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини, 2015 йилнинг 11 августидан жамиятдан ажратилиш билан боғлиқ бўлмаган озодликни чеклаш жиноий жазосини ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилиши мустақиллик йилларида мамлакатимизда жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигида амалга оширилаётган либераллаштириш сиёсати муваффақиятли давом эттирилаётганлигини тасдиқлайди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида «Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичида энг муҳим йўналишлардан бири, бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда», деб таъкидлаган эди.

Таҳлиллар натижаси шунини кўрсатадики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти борасида улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий қонунчилигимиз шакллантириб борилган бўлса, кейинчалик ҳуқуқий тизим, яъни унинг барча таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, узвий алоқани таъминлаган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатлари ҳам либераллаштирилди ва бу жараён давом этмоқда. Эндиликда, қонунларимизни янада такомиллаштириш, айна вақтда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, мамлакатимиз учун аҳамиятли бўлган халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали ҳуқуқий тизимни янада модернизациялашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Маълумки, иқтисодий жиҳатдан қарам бўлмаган давлатгина халқаро миқёсда тенглар ичида тенг фаолият кўрсата олиши мумкин. Шу сабабли, жамиятнинг иқтисодий негизлари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлигининг белгилаши иқтисодий мустақилликнинг ҳуқуқий асослари конституциявий нормалар орқали мустақамлаб қўйилганлигидан далолат беради.

Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Айниқса, ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, уларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириб борилаётганлиги эътиборга молик жиҳатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 28 апрелдаги Қарори ҳам юқорида билдирган фикрларимизни тасдиқлайди. Мазкур қарорнинг асосий мақсади ҳам хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, корхоналарнинг устав капиталдаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, биринчи навбатда, хорижий инвесторларга сотиш ҳисобидан республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини тубдан ошириш, шу асосда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда технологик янгилашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар чиқаришни ташкиллаштиришдан иборатдир.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 15 майдаги Фармони, шунингдек, ушбу фармон асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2015 йил 20 августдаги Қонунини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Ҳақиқий мустақиллик деганда нафақат сиёсий, иқтисодий, балки маънавий жиҳатдан ҳам тобе бўлмаслик тушунилади. Халқимиз истиқлол учун асрлар мобайнида чет эл босқинчиларига қарши курашда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби қаҳрамонларини ҳеч қачон унутмайди. Яқинлашиб келаётган ва «Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни мужассам этган ҳолда қарши олинаётган Мустақиллик байрами арафасида ушбу сиймоларнинг номлари ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириши шак-шубҳасиздир.

Юксак имконият, бахт ва ёруғ келажак ҳадея этган мустақилликнинг улуғ неъматларининг қадрига етиш, эъзозлаш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувликни кўз қорачигидек асраш ҳар бир фуқародан, айниқса, ички ишлар органларининг ҳар бир ходимидан катта масъулият талаб этади.

**Муҳаммадкарим ЮЛДАШЕВ,**  
**ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, подполковник.**

Малакали кадрлар — ютуқлар гарови

## БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

(Давоми.

Бошланғичи 1-бетда).

— Биринчи навбатда тингловчиларнинг маънавиятини янада юксалтиришга эътибор қаратяпмиз, — дейди ИИБ Академияси кафедра бошлиғи, полковник И. Маҳмудов. — Чунки ички ишлар идоралари ходимларининг асосий хизмати аҳоли билан чамбарчас боғлиқ. Фуқаролар билан хушмуомала бўлиш, ёш авлодни қонунларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ходимларнинг зиммасига улкан вазифалар юклатилган. Албатта, жисмоний ва жанговар тайёргарлик машғулоти, ҳарбий билимлар осойишталик посбонлари учун жуда муҳим. Аввало, юксак даражада ватанпарварлик, инсонийлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғу-



ди. Унда юқори натижаларга эришган жамоалар ИИБ Академияси Фаҳрий ёрлиғи билан тақдирлангани эса ёшларнинг илмга, спортга бўлган иштиёқини янада ошишига замин яратади.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол шарофати билан мамла-

ларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлаётганим қизиқшимни янада орттирмоқда.

Тингловчилар қалбида танлаган касбига бўлган ҳаваснинг янада кучайишида умумий-ҳарбий фанлар кафедраси катта ўқитувчилари, подполковниклар У. Йўлдошев, У. Ботиров, йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш кафедраси ўқитувчиси, капитан М. Саидов каби тажрибали устозларнинг ҳиссаси беқиёс бўлаяпти. Уларнинг дарсларни қизиқарли ўтиши, мисолларни ҳаётини воқеалар орқали тушунтириши натижасида тингловчилар мавзуларни пухта ўзлаштирапти.

— Соҳага оид билимларни мукаммал ўзлаштиришимиз учун бу ерда барча шароитлар муҳайё, — дейди тингловчи Маъмуржон Умурзоков. — Қолаверса, устозларимиз ҳам ўтилатган мавзу бўйича амалиётда содир бўлган воқеалардан сўзлаб беришяпти. Машғулотлар замонавий мультимедиа воситалари орқали ўтилиши эса олган назарий билимларимиз бўйича тасаввурларимизни янада бойитяпти.

Эл-юрт осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек шарофли касбни танлаган ўғил-қизлар бугун катта қизиқиш, куч-ғайрат ва шижоат билан соҳа сирларини мукаммал ўрганишяпти. Бу уларнинг келажакда Ватанимиз равангига янада юксалтирадиган мутахассислар бўлиб етишишига кафолатдир.

**Иномжон РАҲИМХҲАЕВ,**  
**сержант.**  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
**олган суратлар.**



ларини шакллантириш эса етук кадрлар тайёрлашда етакчи ўрин тутуши, шубҳасиз.

Тингловчиларга махсус-тактик, ўқ отиш, жисмоний ва жанговар тайёргарликлар каби фанлардан ташқари қўшимча дарслар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ҳам ташкил этиляпти. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Тоҳир Малик, Худойберди Тўхтабоев ва бошқа элимиз ардоғидаги ижодкорлар иштирокида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирлар тингловчиларда унутилмас таассурот қолдирмоқда. Шунингдек, ҳафтада бир марта «Сиёсий билимлар куни» ўтказилиб, унда бўлажак осойишталик посбонлари юртимиздаги ижтимоий-сиёсий вазият, ҳафта мобайнида рўй берган ангилликлар ва дунё хабарлари шарҳи билан танишишади. Турли спорт мусобақалари, кўриктанловларнинг йўлга қўйилгани эса улар ўртасидаги дўстона муносабатни мустақамлаб, маданий ҳордиқ чиқаришларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, яқинда «Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» шиори остида бўлиб ўтган виқторинада тингловчилар жамоаларга бўлинган ҳолда ҳарбий-жанговар тайёргарлик, футбол, волейбол каби спорт турлари бўйича беллашиш-

катимизда ёшлар камолотига жиддий эътибор қаратилляпти. Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, тегишли синовларни топширган ўғлонларнинг имтиёзли тавсиянома олаётгани, олий ўқув юртларида ўқиб, эл-юртга муносиб фарзанд бўлаётгани ҳам ёшларга яратилган имкониятлардан биридир.

— Муддатли ҳарбий хизматни тамомлаб, имтиёзли тавсияномага эга бўлдим, — дейди тингловчи Шаҳзоджон Холбоев. — Осойишталик посбони бўлиш болалиқдан орзуим эди. Шу боис ҳужжатларимни ИИБ Академиясига топширдим. Тингловчилар сафидан жой олганимда эса орзуларим йўлидаги илк қадамим муваффақиятли бўлганидан беҳад қувондим. Бу ерда ўтилатган машғулотлар, тажрибали устоз-

